

Пахтакорларнинг долзарб дамлари

СУВЧИ — ЭКИННИ ЯШНАТУВЧИ

Бурон Ражабов миришкор деҳқон. Ернинг тилини, одамлар дилини тушунади. У кун йиллар Варахша чулида деҳқончилик қилди. Ерга ер, ҳосилга ҳосил қушди. Ҳозир у Пешку туманидаги «Туркистон» жамоа хужалигида пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Бригада аъзоларининг мақсадлари улуг. Мустақилликнинг беш йиллигида ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш. Аҳил жамоа шу кеча-кундузда барқали ҳосил тақдирини ҳал этмоқда. Гузаларнинг ривожини дилини яйратади. Сифатли тайёрлаб, чуқур жуяқ

олинган майдонлардаги дуркун ниҳолларга иккинчи марта оби ҳаёт таралишти.

— Тажрибали сувчиларимиз Ҳайит Остонов, Хайри ва Рамазон Турдиевлар билан фахрланамиз, — дейди бригада бошлиғи Бурон Ражабов. — Мана, улар сугорган пайкалга бир қаранг, барча ниҳоллар бир текис сувга қонган, уешиши ҳам баравж.

Жамоа хужалигининг Боймурод Саидов бошлиқ 8-бригада пахта пайкалларида ҳам ишлар намунали ташкил этилган. Бригадада сувчи ва

механизаторлар ҳамкорлиги яхши самара бераётир. Ҳозир ҳар тупда 5-6 тадан гул бор. Техника жиловкорлари Яраш Жумаев ва Файзулла Бозоровлар сугоришдан олдин барча майдонларни озиқага туйдирдилар.

Ҳа, «Туркистон»да миришкор деҳқонлар кун. Хужалик аъзолари жорий йилда 962 гектардан режадаги 3000 тонна урнига 3500 тонна пахта етиштириш учун курашаптилар. Ваъдага, албатта, вафо қилинади. Поёнсиз пахта пайкалларида олиб бориладиган ишлар шундан далolat бериб турибди.

Собиржон КОДИРОВ.



МЎЛ ҲОСИЛДАН НИШОНА

Мамлакат иқтисодини мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини оширишда пахтачиликнинг аҳамияти беқиес. Дарҳақиқат, оқ олтунда ҳикмат кун: у сотсақ бойлигимиз, кийимимиз, овқатимиз. Шундай экан, соҳани мутасил ривожлантириш йулларини изламоқ биз, деҳқонларнинг биринчи талғиди вазирилариимиздандир.

Юртбошимизнинг курсатаётган гамхурликлари бизни янада фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда. Жумладан, шу йил 21 майга Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача булган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарори жамоамиз аъзолари уртасида кенг муҳокама қилинди. Вилоят ва туман ҳокимликларида қатор тadbирлар қуриляпти. Насиб этса уч-тўрт йилда қишлоқларимиз янада куркамлашади.

Шундай дориларимиз кунларга тезроқ етишиш мақсадида хужалигимиз деҳқонлари ҳам астойдил ҳаракат қилишаёпти. Устозлар маслаҳати, фан ютуқларига таяниб ишни ташкил этишимиз кузланган натижага бермоқда. Бултур давлатта 5106 тонна пахта сотиб режани ортиги билан адо этилди. Хом ашёнинг асосий қисми юқори наваларга қабул қилинди.

Бу йилги ниятларимиз ҳам улкан. 1713 гектар майдонда гуза парвариланаёпти. Мулжалимиз ҳосилдорликни 30 центнердан ошириш. Бунинг учун кунлик дама юмушларини сифатли адо этишга эътиборни қўйайтирмиз. Экин ривожини айниқса Ортик Қодиров ҳамда бошқа илгор бригадаларда кунтиладигдек. Уста пахтакорлар гектардан 32-35 центнердан хирмон тиклашни мақсад қилишган.

Ҳозир ёз чилласи. Ганимат кунларнинг қадрига етган миришкор мул ҳосил етиштиришга эришади. Чунки чилла палласидаги сугориш, озиклантиришнинг алоҳида аҳамияти бор. Шу кунларда 29 та чопик тракторлари гуза қатор оралиғига ишлов беришда ишлатилаёпти. Бари механизаторлар уз касбининг устаси. Ниҳоллар икки марта культивация қилинди, озиклантирилди. Айни кунларда пайкалларга сув таралмоқда. Обихаётдан ниҳоятда тежаб фойдаланиш учун сувчиларга етарли шарт-шароит яратилган, назорат қўйилган.

Ҳама жойда булгани каби ҳозир бизнинг жамоада ҳам ишлар жуда қизиган. Галларок қуздан буён ардоқлаб устирган бугуёғини тез саранжомлаб олиш ташвишида. 1200 гектар ердаги дон урминини 20 иш кунинда тугаллаш тadbирларини белгилаганмиз. Ҳосил чўчи чакки эмас. Орузимиз 4600 тонналик хирмон бунед этиб, унинг 2500 тоннасини давлатга сотишди.

Яқин кунларда маррани забт этамиз. Кейин бошқа довлардан опиш навбати. Ҳаммасидан ёруғ юз билан утиш учун гайрат камарини маҳкам болаганмиз. Давлатимиз мустақиллигининг беш йиллик туйғини катта меҳнат зафарлари билан нишонлаймиз.

Зокир НОСИРОВ,
Жиззах туманидаги Алишер Навоий номи жамоа хўжалиги бригадири.

КЎСАКЛАР МАРЖОНИ

Бағдод туманининг Ҳазиний номи жамоа хужалигидаги Анваржон Юнусов бошлиқ бригадала 15 гектар майдонда «Фаргона-3» нави чигит пленка остига уялаб экилган эди. Янгилликка интилувчан бригадир тажриба учун экилган гузанинг парваришига алоҳида эътибор бериб, Яганани уз муддатида, агротехника талаблари асосида сифатли утказди, ҳар гектар майдонда 147 минг дондан кучат қолдирилди. Бригада жамоаси гузага икки марта комплекс ишлов бериши. Кун йиллик тажрибага эга булган механизатор Жамоиддин Аҳмедов чуқур культивация утказди. Бунинг боиси, жуяқ устидаги пленка тешикларини майин тупроқ билан ёпиб кетиш лозим эди, акс ҳолда гуза томир зарарланиши ҳам мумкин.

Деконлар гузага сугориш олдидан ҳар гектарига 600 килограмдан парранда гуни ва 200 килограмдан азот уғити солишди. Ардоқлаб парвариланган гуза жуда тез ва дуркун ривожланиб, ҳосилга кирди.

— Июнь ойи бошларидаёқ гуза гул қурсатган эди, — дейди бригадир Анваржон Юнусов, — шундан сунг гузани бир марта сугордик. Бизнинг шароитда ер ости сувлари яқин, экин кам сугорилди, уч сувда пахта пишди. Гузага ишлов беришни агротехника муддатларида жуда сифатли утказилишини таъминламоқдамиз. Гузанинг ривожини жуда яхши, ҳозир кўсақлар сони тобора қулаймоқда. Бу пахта бошқаларга нисбатан 25 кун эрта пишди. 15-20 августда пахта теримига киришамиз. Тажриба учун экилган майдонлардан 50 центнердан ҳосил олиш нияти бор. Бошқа майдонлардаги гузанинг ҳам ривожини баланд. Утган йили гектаридан 33,3 центнердан пахта топириган эдик. Бу йилги режа 33 гектар майдондан 35 центнердан пахта етиштиришга қаратилган. Тажриба учун экилган гуза юқори ҳосил бериб, уз самарасини курсатса, келаси йили юз фойз чигитни пленка

Зимов бошлиқ бригадаларнинг шинам безатилган шийпонлари бизга маъқул бўлди. У ерда аъзоларга ҳамма шароитлар яратилган. Шийпонда телевизор, кучма богча ишлаб турибди. Ҳар кун тушликда бепул иссиқ овқат берилади.

Хужалик деҳқонлари 870 гектар майдондаги гузани меҳр билан сифатли парвариш қилмоқдалар. Уларнинг нияти бу йил ҳосилдорликни 32 центнердан юқори кутариш. Гуза иккинчи комплекс ишлов беришдан чикариди. Кўсақлар маржони дилини яшнатади. Ниҳолларни агротехника қондалари асосида сифатли парваришда механизаторлар Ҳоиджон Махмудов, Боқижон Шерматов, Зигали Остонакулов, Нурали Турдиев бошқаларга ибрат курсатаётлар.

Хужалик миришкорлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллик байрами шарафига дастлабки ютуқларни қўлга киритишди. 670 кунг қурт уруғидан 43,5 тонна пилла топириб, йиллик режани 101 фойзага бажаришди.

Галла урим-йигими хужаликда ниҳоясига етказилмоқда. 660 гектар майдондаги бошоқли экиннинг 90 фойзи уриб-йигиб, янчиб олинди. Ҳосилдорлик гектарига режадаги 37,4 центнер урнига 40 центнерданга тўғри келди. Давлатта галла сотиш йиллик режаси туманда биринчилар қаторида бажарилди. Галладан тўзаланган 100 гектар майдонга «Тошкент-6» нави чигит экилди. Қолган майдонларга оқжухори, маккажухори ва дуқакли экинлар экиляпти. Такрорий экинлар экишда Шоқиржон Рустамов, Раҳмонали Йўлдошев, Юсуфжон Аҳмедов бошлиқ бригадаларнинг жамоалари пешкадамлик қилмоқдалар.

Р. МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

СУРАТДА: бригада етакчиси Анваржон Юнусов ва сувчи Саҳобиддин Жалолов пахта даласида.

Х. МЕЛИБОЕВ олган сурат.



Кейинги йилларда пахтачиликда усимликнинг уешиши ва ривожланишига ердан берувчи турли хил кимёвий моддалар кенг ишлатила бошланди. Уларнинг айримлари гуза парваришида муҳим агротехник тadbирлардан бири булган чилпишни амалга оширишда қўлланилади. Бу пикс, тур, бешпакхлорид ва спинакардир. Пикснинг самарадорлиги бошқа моддаларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга эканлигини илмий изланишларда исботланган. Айниқса, у Ўзбекистон пахтачилик илмий-тектириш институти ва уни-

ГЎЗАНИ КИМЁВИЙ ЧИЛПИШ

нги вилоятлардаги булимларда қатор йиллар давомида синаб қурилди. Пикс гузага сепилгач, унинг барги тўқ кук тусга қиради, усимликнинг уешиши ва ривожланиши мувофиқлашиб, ҳосил эрта пишиб етилади; тола сифати яхшиланади.

Шунингдек, бу дори қўлланилганда, гуза тупи арчасимон шаклга қиради, бу эса қаторлар орасида ҳаво алмашинуви яхшиланишига ҳамда кўсақлар чиришининг камайишига олиб келади. Энг асосийси, биринчи терим салмоғи 6,0-7,0 центнерга ошади. Ҳосил қисқа муддатларда йиғиштириб олиниб, кузги-қишки ишланмайди.

Мазкур дори Тошкент, Наманган, Фаргона вилоятлари ва Қозоғистоннинг Жетисой туманида катта майдонларда ишлатилиб қурилди. Турли хил тупроқ-иқлим шароитида ва ҳар хил кучат қалинликларида ҳам ижобий натижалар берди. Дори пуркаш вақти ва сарфланиш меъёри гузанинг ривожига ҳамда бош поя баландлигига қўра белгиланади. Энг мақбул муддат

гит таркибиде қолдиқ микдори учрамайди ва усимликларда қолдиқ шаклда тупланмайди.

Мазкур дори Тошкент, Наманган, Фаргона вилоятлари ва Қозоғистоннинг Жетисой туманида катта майдонларда ишлатилиб қурилди. Турли хил тупроқ-иқлим шароитида ва ҳар хил кучат қалинликларида ҳам ижобий натижалар берди.

Дори пуркаш вақти ва сарфланиш меъёри гузанинг ривожига ҳамда бош поя баландлигига қўра белгиланади. Энг мақбул муддат

урта толали гузаларда 13-14 ҳосил шохи тупланганда ва ингичка толали гузаларда 17-19 ҳосил бутини пайдо булгандадир. Модда билан ишлов беришни сугоришдан 6-7 кун олдин утказиш янада самаралидир. Пиксини ишлатиш меъёри усимликнинг буйига қараб гектарига 1,0-1,5 литрни ташкил этади. Агар гуза тупи бакувват булса, унинг сарфи 2,0 литргача етказилиши мумкин. Бунда аралашма меъёри гектарига 200-300 литрдан ошмаслиги керак. Пиксини ОВХ-28 пур-

кагич ердамида тонгги ва кечки соатларда сепиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозир далаларда гуза парваришининг асосий тadbирлари бажарилмоқда. Гузани чилпишни уз вақтида утказиш ҳам муҳим агротехник тadbирлардан биридир. Пахтакорлар чилпишни илмий талаблар асосида утказишса, экин эрта етилиб, мул ҳосил олиш имконияти яратилади.

У. МАДРАИМОВ,
Ўзбекистон пахтачилик илмий-тектириш институти бўлим бошлиғи.
Ш. АБДУАЛИМОВ,
институт илмий ходими.

Вазирлар Маҳкамасида ҲАЁТИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДАСТУР

Вазирлар Маҳкамасида 15 июль кун 2000 йилгача қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Жўрабеков бошқарди. Мажлисда мазкур дастурни бажариш бўйича республика комиссияси аъзолари, вазирликлар, идоралар ва коншериалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимларининг уринбосарлари қатнашди.

Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамаси шу йил 21 майда «2000 йилгача булган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қишлоқ иқтисодий ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратиб беришга қаратилган ушбу қарорда яқин тўрт йил ичида мамлакатимизда амалга оширилиши лозим булган тadbирлар аниқ белгилаб берилган. Жумладан, 1996 йилда қишлоқ жойларида янги мактаб ва тиббиёт масканларини қуриш ҳамда таъмирлаш, газ, ичимлик сув тармоқларини барпо этиш, савдо, умумий овқатланиш, маийий хизмат қўрастиш муассасаларини бунед этиш борасида салмоқли ишларни бажариш қўла тутилган. Мажлисда асосий эътибор дастурни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан жорий йилнинг биринчи ярмида қилинган ишларга қаратилди. Республика Бош вазирининг уринбосари, «Ўзбекистон» давлат қўмитаси раиси У. Исмоилов шу ҳақда маъруза қилди. Шунингдек, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, бир неча вилоятлар ҳокимлари уринбосарларининг ахборотлари тинтилди.

Йиғилишда янги мактаблар қуриш, қишлоқ врачлик шохобчаларининг янги лойиҳаларини яратиш, аҳолининг ичимлик сув ҳамда таъмирлаш бўйича қўлай шароит беришга талаб ишлар бажарилиши таъкидланди. Айрим вилоятларда ушбу ҳаётга аҳамиятга молик дастурни амалга оширишда сўзсизликка йул қўйиладиган ташкил қилинди. Маълум қамчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилиди.

Мажлисда республика Бош вазирининг уринбосарлари Р. Гиниятуллин, К. Раҳимов, С. Сайдиқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов иштирок этди.

(ЎЗА).

СУРҲОНДАРЁ ГАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Сурхондарё вилояти деҳқонлари мамлакат галла мустақиллигига эришиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, дон топириш давлат буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига 183 минг тоннадан зиёд галла етказиб берилиди. Биринчи марта гектар бошига 31 центнердан ҳосил кутарилиди. Илгор хужаликларда эса бу рақам 56-58 центнерни ташкил этди. Мавжуд таъхикалан, айниқса Америкадан келтирилган «КЕЙС» агрегатларидан унумли фойдаланиш муваффақият гарови бўлди.

Галла урим-йигими давом этмоқда, ҳосилдан бушган ерларга такрорий экинлар экилмоқда.

МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРИ «КОГОНДА ИШ НЕГА ОРҚАГА КЕТДИ?»

«...Камчиликлар қимматга тушибди: туманда бултур дон етиштириш юзасидан қабул қилинган режа барбод бўлди. Пахтачиликда ҳам иш орқага кетди. Гектаридан бор-йўли 18,5 центнердан бошқоқ дон олинди. «Бўғи», «Когон», «Зарафшон», «Гулистон» хужаликлариде эса бу курсаткич 13-14 центнерни таъкид этганини қандай изоҳласа булади?! Афсусларимиз шундаки, баъзи хужаликларнинг раҳбарлари утган йиллар савобқаридан ҳамон тўғри хулоса чикаришмаганга ўхшаيدилар».

Ана шу сатрлар эътибор этилган газетанинг шу йил 28 май сониде эълон қилинган юқоридеги сарланҳали мақола вилоят ҳокимлиги томонидан атрофлича урганиб чиқилди. 3 июль кун Когон тумани фаоллари йиғилишида матбуотнинг мазкур танқидий чиқиши атрофлича муҳокама қилиниб, хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегилли тadbирлар белгиланди. Баъзи раҳбарлар, мутахассислар фаолиятига муносиб баҳо берилиди. Ишда йул қўйган камчиликлар, эътиборсизлиги ва лоқайлиги учун «Оқ чашма» ҳиссалдорлик жамияти раиси С. Тешаев вазифасидан овоз қилинди. Дала ишларига назоратни бузиштириб юборган, калдрларга нисбатан талабчанликни сўйсатириб қўйган туман ҳокимининг уринбосари М. Гафурова, агротехник уюшмаси раиси А. Аҳмедова хайфсан эълон қилинди. «Когон», «Зарафшон», «Гулистон» жамоа хужаликлариде бошқаруви раислари Ш. Саломов, Х. Ҳамроев, У. Одиловлар қаттиқ оғохлантирилдилар. Галла урим-йигимининг бу йилги натижалари бўйича ушбу масалага яна қайтилиб, қатъий қарорга келиниши уктинрилди.

Туман ҳокими Х. Жабборов бошқа ишга утганини муносабати билан эғаллаб турган лавозимидан овоз этилди.

Ҳозирги кунда Когонда галла урим-йигими қизгин олиб бориляпти. «Когон», «Гулистон» жамоа хужаликларидан ташқари барча хужаликлар давлатга дон сотиш буюртмасини ортиги билан адо этилди. Бу муҳим ишда хато ва камчиликларга йул қўйган, лозим даражада омилдорлик, ташкилотчилик ва қатъиятлик курсата олмаган шу икки хужалик бошқаруви раиси эғаллаб турган вазифарлардан бушатирилди. Қурилан чоратadbирлар ижро интизомини мустаҳкамлаш, урим-йигимини уюшқоқлик билан ташкил этиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланишда муҳим омил булди. Пировард натижада Когон галлакорлари давлатга дон топириш режасини бажардилар.

Чорвачилик соҳасида ҳам қатор ижобий си тажриблар кузга ташланаёпти. Хужаликларда моллар зоти ни яхшилаш, ситирлар махсуддорлигини ошириш, чорва қишлоқига пухта тайёргарлик қуриш юзасидан аниқ таadbирлар амалга оширилмоқда. Махсус бригадалар тағайинлаш ҳамда жамгарил, емишни фермаларга таъбиб келтириш ишларини уюшқоқлик билан амалга ошириляпти.

Туман шилкорлари кумуш тола топириш режасини зиедас билан адо этилди. Далаларда мул пахта ҳосили учун қизгин иш олиб боришмоқда. Барча ерда Когоннинг 22.335 тонналик оқ олтун хирмонини яратиш йўлида фидоийлик курсатилмоқда. Агротехник тadbирлар сифатли амалга оширилишти. Қатор оралиғига ишлов бериш, сугориш ишлари тажрибкорлар, от-ёхонлар бошчилигида амалга оширилишти. Юқориде қайд этилган барча тadbирлар ижроси вилоят ҳокимлиги томонидан қатъий назорат остига олинган.

Р. ОЧИЛОВ,
Бўхоро вилоят ҳокимининг уринбосари.

Ўзбекистон ИСТИҚЛОЛИНИНГ беш йиллиги олдида

ИСЛОҲОТ — ИНСОН ХИЗМАТИДА

Бугун навбат — Навоий вилоятига

Тўқсон ёшли Файзулло бобо Омон ҳақ гапни айтган экан. «Бухоро» жамоа хужалиги шийтониди меҳнат фахрийлари билан булган суҳбатда дончилик, пахтачиликни изчил ривожлантириш ҳақида очикчасига гап борди. — Сиз негадир ҳеч нима демасингиз, — дея юзланда ҳоким табарук нурунига. — Уч йилдан бери гап кўпу, аммо ишдан дарах будмапти, — таъкидлади ота. — Районнинг бир йилда қаддини тиклаш мумкин. Аммо... — Отаҳон, сиз кунгилда борини истиқлола қилмай айтаверинг.

лар чинакам оромгоҳга айлантирилди. Уларнинг енида кичик боғлар барпо этилди. Саъй-ҳаракат туфайли сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мена-чева узларидан чиқадиган бўлди. Турсун ака яхши англари, одамлар кийинчиликка чидашади, аммо адолатсизликка асло чидашолмайди. Ҳоким ер узлаштирувчилар хузурига йул оларкан, катта йул четигада карталда ниҳолларга уйчан тикилиб турган ташаббускор заршунос Қосим Қобулбова кузи тушди. Ҳамсуҳбати унинг икки ойдан буён ишламаётганлигини айтиди. Қ. Қобулбова унга ишонган, пахта илминини пухта эгаллаган, айни пайтда



90 ёшли отаҳоннинг орзулари рўебга чиқмоқда. Уртачудни комплекс узлаштириш изчил давом этапти. Жорий йилда 500 гектар ер пахтазорлар, боғроғларга айлантирилади. Қанчалан-қанча кишилар мумкин иш билан таъминланадилар. Чорвага ҳам эътибор сусайтирилгани йўқ. Ҳокимнинг таъкидлашича, бта чорва фермаси қимомиди савдосида сотилди. Бу масалага алоҳида тайёрларлик қирилди. Юрт бойлигини чинакам мутахассислар, талбиркорлар қўлига топширишга ҳаракат қилинди. Бунга эришилди ҳам. Масалан, «Зармитан» хужалиги фермасидаги қорамолларни тажрибали мута-

бозори ҳам энг яхшиларидан қилишмапти. Бир кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлайдиган заводнинг ишга тушарилгани кўпчиликни хушнуд этди. Туман ҳокими Турсун Фатуллаев Президент Фармонларини изчил амалга оширишни ўзининг шарафли бурчи деб билапти. Уч йил ичда мингдан ортқк оила янги уй-жойли бўлди. Бир кун соҳибкор Султон Соғворов шийтонда унга рубару бўлди. Таъкидлашича, ташлашқ ерини обод қилиб, ўзига бошпана қурмоқчи экан. Бироқ раис ойлари мубайнида уни сарсон қилибди. Турсун ака уша кунгек соҳибкорнинг ҳақли талабини қондирди. Қўп утмай яна бир оила ховли туйини утказди.

ҚАЛДИРҒОЧ ҚЎШМА КОРХОНА

Леонид ЗАЦЕПИН, ИШЧИ

«Зарафшон» — «Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга тушганига бир йил бўлди. Бу ажойиб корхонанинг қисқа вақт ичда бунёд этилиши истиқлол шарофатидир! Жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчи йирик «Ньюмонт Гоулд» компанияси билан ҳамкорлик Ўзбекистон табиий бойликларидан самарали фойдаланишда янги истиқболлар очди. Қўшма корхона чет эл сармосини жалб этишнинг илк намуналаридан бири бўлди. Қувончсиз шуки, бу ерда ҳозирнинг узидак лойиҳа қувватининг 90 фоизи миқдорда маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга бўлинган. Яна бир ажойиб томони америкаликлар, инглизлар, канадаликлар, шунингдек ўзбеклар, руслар, қозоқлар ва бошқа миллат ва элат вакиллари қўшни-қўлга бериб ютуқларни мустақамлаб боришмоқда. Мутахассисларимизнинг таъкидлашича Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги шарафига бошланган меҳнат мароми кун сайин қизиб бормоқда. Айниқса апрель ойида катта миқдордаги рудани қайта ишлаш ва кўпроқ олтин қўймақ ҳосил қилишга эришилди. Қўшма корхонада тайёрланган нодир металл 2-гидрометаллургия заводида янада бойитилади. Зарафшон олтинининг юқори сифатлиги барчани лол қол-

дираётганлиги ишчиларни гоят хушнуд этмоқда. Таъкидлаш жоиз, йиллар мубайнида Ўзбекистон олтинини четга олиб кетишди. Нодир металл бошқаларни бой қилди. Мана энди истиқлол туфайли бойликларимиз ўзимизга буюрди. Хурматли Президентимизнинг Зарафшон олтини, унинг ижодкорлари шаънига айтган олик, самими гаплари ҳар биримизнинг юратимиздан жой олган. Саҳаватли замин хазинаси мусақиллигини мустақамлашга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги макъенинг узоқинида муносиб ҳисса қўлимоқда. 2-гидрометаллургия заводида энг юқори сифатли олтин тайёрланапти. Мутахассисларнинг барчаси юқори малакали кишилардир. Жараёнлар ута мураккаб. Бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилган олтинлар худди шу ерда бойитилиб қиематга етказилапти. Иноқ жамоа муаммоларни омиликорлик билан ҳал этмоқда. 3-гидрометаллургия заводида фойдаланишга топширилди муллатини қисқартириш мақсадига бунёдкорлик ишлари жонлангириб юборилди. Айни кунларда янги корпус қад ростлапти. 23-блокнинг урнатилиши мақсадга эришилди муҳим аҳамият касб этди. Хуллас, Ватанга кўпроқ Зарафшон олтини етказиб бериш йўлида хайрли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

ОЛТИНПАЗЛАР МАСКАНИ

ужар дехқон. У ҳамиша ўзи билганча дехқончилик ишларини юритади. Бора-бора бу фельи кишиларгадир еқмади. Талбиркор бригада бошлигини арзиман сабаб билан ишдан бушатилди. Туман ҳокими уша кунни хужалик раҳбарлари билан очикчасига фикрлашди. Қосим ақани бригадирликка қайта тиклади. Дастлабки ютуқлар билан қифоялана бошлаган, манманликка берилган баъзи қимсалар фаолиятига муносиб баҳо берди.

Шу тариқа ҳал қилувчи бугунларда фаолият юритаётган қадрлар бир-бир назардан утказилди. Навоий номи жамоа хужалик бошқаруви раислигига ишлаб чиқаришга бой тажриба тузлаган Раҳматжон Латипов тавсия этилди. Таклиф қизинг маъқулланди. Омиликор раҳбар ишончли оқлаш учун ўзини аямий ишлади. Иқтисодиётни юксалтиришнинг қўшимча омилиридан унумли фойдаланиди. Мухими, барчани мақсад сари бирдек сафарбар эта олди. Натияжада бир йилдак аҳвол унланди. Киши-лоқларнинг аҳолиси табиий газ, ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Демак, вақтида, ақл билан қурилган талбир катта наф келтирди. Қадрларга нисбатан талабчилик ҳамхурлик билан қўшиб олиб борилаптики, Ш. Исмоилов, О. Ҳошимов каби қатор мутахассислар уз соҳалирига қайтарилганини кўчиликта маннунли уйғотди. Туман ҳокимлиги, хужаликларнинг раҳбарлари обрўсига обрў қўшди. Барча уз салдоқини амалда намойиш этиб, фикорона меҳнат қилди.

Хужаликларда бўлиб заршунослар, боғбону соҳибкорлар билан фикрлашганимизда туман ҳокими, хужаликларнинг раҳбарлари иқтисодий ислохотни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор беришгадиганлигини таъкидлашди. Хуусан, хуусийлаштиришга алоҳида масъулият билан ёнлошмоқда. Дехқон (фермер) хужаликларининг ташкил этилиши ижро интизомини мустақамлаш, ердан унумли фойдаланиш, тежамкорликни қучайтириш борасида беқисес омили бўлди. Мисол учун «Бахшилло» талбиркорларини олайлик. Улар чўл шараитида фидокорона меҳнат қилиб қийинчиликларини омиликорлик билан енгилди. Биринчи бўлиб чўл шараитида гектардан 35 центнердан лон ҳосили олишга эришилди. Асл талбиркорлар беш йиллиги шарафига пахтачиликда ҳосилдорлигини 5 центнерга оширишмоқчи.

Хаетда нималар бўлмапти дейсиз. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, Т. Фатуллаев меҳнат таъйлига отланаётганди. Уша кунни унинг уйига яна отаҳонлар келишти. Улар мутасадди ташкилотлар Арабхона қишлоғини газлаштириш асосини равишда чўзиб юборишганини таъкидлашди. Ҳоким уша кунни ишга киришти. 10 кун ичда газчилар ишни яхши йўлга қўлди. Бу гапдан санаторийда лан олиш насиб этмади. Бироқ бутун бошли қишлоқ газлаштирилди.

НУРОТА КЎРКИ Саттор АБДИЕВ чорвадор

Нурота тумани ўзининг мармари билан республикамиз ташқарисида ҳам танилган. Бу қимматли қурилиш материаллари хўр Ўзбекистонимиздаги қанчалдан-қанча замонавий бинолар, метро станицаларини беэамолда, Шубҳасиз, кенг яйлорларда яйратиб боқилаётган қоракўл қўйларни туман кишиларининг фахридир. Эътиборлишуки, сунтиги турт йилдан ортқорқк вақт ичда довруғи кенг ейилган юқори сифатли қоракўл териларини қўпайтириш, соҳа жонқуварларига қўлай шараит яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Тул олиш мавсими яхши якунланган «Нурота» жамоа хужалиги чорвадорлари жун қирқимида ҳам пешқадамлик қилишти. Ҳар бир қўйдан уртача 1 кило 125 грамм жун олинди. Шунингдек Файзулла Ҳужав номи жамоа хужалиги чўпчилари ҳам республика мустақиллигининг беш йиллигига муносиб совға ҳозирлашти.

ПАХТАКОР ҚАДРИ БАЛАНД Ўқтам ҲАСАНОВ, бригада бошлиғи

Уфққа туташ даладар. Ҳосил тутунчалари кун сайин қўпайиб бораётган гузалар қузни қувнатди. Бизда пахтакорлик энг шарафли касблардан саналади. Йиллар мубайнида ҳалол ишлаб кам бўлмадик. Янги уйлар қуридик, фарзандларимизнинг туйларини утказдик. Ҳаммаси хосиятли касб оқрасидан рўебга чиқди. Яхши эслаймиз: собик Иттифок даврида дехқон ихтиери узиди эмасди. Ҳаттоки гуза баргини қачон туктириш кераклигини юқоридан айтишарди. Топшириқни бажарманг, бошингиз балога қолади. Истиқлол ва иқтисодий ислохотлар туфайли биз мулкнинг ҳақиқий эгасига айландик. Бошқалари қувярипти, Президент фармони шарафати билан бизга ажратилган томорқанинг узидан яхшигина даромад олаймиз. Пахта Ўзбекистон фахри, гурури. Мамлакатта қўшлаб валюта келтириладиган бебаҳо хом ашё. Бунни сувчи ва механизаторларимиз қалбдан ҳис қилишарди. Барчамиз ҳамжидатликда ишлаб гуза парварлишини уюшқоқлик билан олиб бораётимиз. Ҳашар йўли билан маҳаллий уғит ташиб келтирилганлиги, тунги сургорига эътибор қаратилганлиги ҳосил тутунчаларини қўпайтиришда муҳим омили бўлапти. Рузи Дарбаев, Баҳром Эшмаматов, Воҳид Журақуллов, Комил Мустафоев каби сувчилар, механизаторлар ҳамда пулдратчилар экинга қалб қўри, меҳр зиесини бахшида этишмоқда. Пахтакор қадри баланд. У шу кунларда уза куч, гайрат-шижват билан меҳнат қилмоқда. Навбахор туманидаги Оқунбобоев номи хужалик заршунослари ниҳти бу йил ҳар гектар ердан қамида 45 центнердан оқ олтин йиштиришди.

ТАЪМИ УЗГАЧА Б. ГАДОВО, БОҒБОН

Бир вақтлар нотўғри сиёсат туфайли қўпчиликнинг меҳнати эвазига барпо этилган ажойиб боғлар тугатилиб юборилди. Охир-оқибат дехқон бозорга қарам бўлди. Истиқлол ҳамда ислохот шарофати туфайли бизга бахт қулиб боқди. Дехқон оруз қилган кунлар келди. Вилоятда танилган «Қуймозор» жамоа хужалигимизда асосан ширин-шарбат узумлар етиштирилди. 320 гектардан ортқк токзорда бу йил яхши ҳосил етиштирдик. Талбирлар сифатли амалга ошириладиганлиги, тажрибали боғбонларнинг ташаббускорлиги туфайли зиммадаги вазифани муваффақиятли уддалаб келаяпмиз. Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги шарафига қузда гектардан қамида 130 центнердан узум топширади. Дастлабки неъмат бирин-кетин истеъмолчиларга жунатилмоқда. Бизнинг узумлар ўзининг юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Аҳоли талабини эътиборга олиб, хураки навларни қўпайтирдик. Эндиликда маҳсулотимизга харидор сероб. Хужалик раҳбарияти неъматни сақлаш, манзилга сифатли қилиб етказиш учун барча имкониятнини ишга солмоқда.

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Вилоятда меҳнатқашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан изчил талбирлар амалга оширилади. Хуусан, шахсий ердамчи хужаликларни қўллаб-қувватлаш учун етарли миқдорда маблаг ажратилди. Аҳолига 15.905 гектардан ортқк ер томорқа сифатида берилди. Кишилар унда узлари учун керакли булган маҳсулотлар ҳамда чорваларига озуқа етиштиришмоқда. Ортқча маҳсулот бозорларга олиб чиқилапти. Республика Президентининг «Яйлов

чорвачилиги, қоракўччилик, уюр йилқиччилик ва туячилик ҳодимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча чораталбирлари тўғрисида»-ги фармони яхши бажарилапти. Яйлов чорвачилигида фаолият юритаётган 14.457 кишига йул масофаси, сувсизлик ва иқлим шараитлари ҳисобга олиниб қўшимча ҳақ туланмоқда. Дехқон-фермер хужалиқларини янада ривожлантириш учун ҳар бир шартли мол ҳисобига 0,25-0,30 гектардан ер ажратиш қатъий назоратта олинган. Талбиркорлар техникаси учун керакли миқдорда бензин, дизел ёнилғиси етказиб берилди.

Тиббиёт соҳасидаги узагиришларга эътиборни қаратайлик. Вилоятда шифо масканлари қурилишга эътибор қўйилди. Соҳа кишилари алоҳида гамохурлик билан қўришаб олинган. Хуусан вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан тиббиёт масканларига 40 та хизмат машинаси ажратилди. 67 та кундузи, 110 та уй стационларли ташкил этилди. Шу йилнинг узиди вилоят марказида болалар касалхонаси, Навбахор туманида эса турғуқхона бинолари қурилиб ишга туширилди. Ҳозирги кунда вилоятда 8 та марказий касалхона, 32 та қишлоқ участка касалхонаси, 46 та қишлоқ врачлик амбулаторияла-

ОДАМЛАР СОҒ БЎЛИШСИН И. РАЗЗОКОВ, шифокор

ри, 272 та фельдшерлик пунктлари фаолият юритмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ислохот утказиш, тиббий хизматни намуналий йўлга қўйиш юзасидан аниқ талбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор ҳар бир қишлоқда фельдшер-акушерлик, врачлик пунктлари қуриш ҳамда уларни малакали шифокорлар билан таъминлашга қаратилган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бул-


ган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»-ги қарори мақсадга эришилди кенг имкониятлар яратди. Бунёдкорлик дастурига асосан вилоятимизда 45 та қишлоқ врачлик пунктларини қуриш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарни ҳамда малакали қадрлар билан таъминлаш юзасидан қизгин иш бошлаб юборилди.



«СОҲИБКОР»НИНГ НОЗ-НЕЪМАТ ДАСТУРХОНИ

Табиийки, серқуеш Ўзбекистонимиз заминни турфа нозу неъматлар етиштиришга нақадар беназир ва сахий. Наманган вилоятининг Уйчи туманидан, аниқроғи, «Соҳибкор» жамоа хужалигидан келган ва пишқиччилик давралари акс этган бир-биридан ажойиб ва жозибали ушбу суратларга боқсангиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Зеро, меҳнат билан турмушимиз фаровон ва файзиеб, дастурхонларимиз тухтин — нозу неъматларга бой. Фақатгина туманда эмас, балки вилоят миқёсида нуфузли уринга эга бу хужалик меҳнат аҳли республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги нишонланадиган ана шу йилда сарбаланд режаларни қўлаб меҳнат қилаяпти. Хужалик боғроғларида, сабзавот ва полиз пайкалларида ҳамда тоқорю бошқа экин майдонларида ишлар қизгин. Миришкорлар 895 тонна мена, 906 тонна сабзавот, 1670 тонна узум ва 560 тонна картошка етиштиришга ва бу билан тўқинчиликка муносиб ҳисса қўлишга қатъий ақл қи-

лишган. Галқорлар йил бошидак аёло навли дон — бугдойнинг узидан 188 тонналик хирмон тиклашди, шунинг 96 тоннасини давлатга сотишни аниқ режалаштириб олган эдилар. Ҳосил қўтилгандан зиёда бўлди. Давлатга 106 тонна сара дон сотилди. Картошка етиштирилган пайкалларида ҳам ҳосил мул. Шу кунларда ҳосилни пешима-пеш йиғиштириб олиб, аҳолига сотиш қизгин тус олмақда. Ҳозир бу миқдор 15 тоннадан ошди. Дарвоқе, хужалик пахта далаларида ҳам қузнинг баракали хирмонига элворли тош қўйиш учун айни оғда устивор қураш кетаяпти. Пахтакорлар, насиб этса, хирмон қузнини 250 тоннага етказишмоқчи. Хужаликнинг Умархон Саидвалиев бошлиқ 1-бригадаси дехқонлари хуусида алоҳида тухталик жоиш. Бу жамоа режаларини 110 тонна урнига 120 тонна мена етиштиришга азму қарор қилган. Шунингдек улар аҳоли дастурхонига 172 тонна сабзи, 27 тонна пиез, 92 тонна қарам, 10 тонна саримсоқ пиез, 23 тонна



СУРАТЛАРДА: 1. Тажрибали дехқон Қодиржон Сайматовнинг 3 гектарлик полиз пайкалларида экинлар ривож яхши, шунга яраша ҳосил мул. «Насиб этса, ана шу пайкаллardan 20 тонна қовунтарвуз узиб оламан, — дейди пулдратчи. — Тарвуз пишди, келиб қолин!» 2. (чапдан) «Соҳибкор» жамоа хужалиги бошқаруви раиси Абдухалла Ерқулов, 1-бригада бошлиғи Умархон Саидвалиев ва пулдратчи Муҳаммаджон Ҳакимовлар бу йилги картошка ҳосилининг мўллингидан мамнун. Аҳмаджон ЮСУПБОВ оingan суратлар.

Дон — ризқ-рузимиз! БИЗ ҲАМ КАМАРБАСТА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилги бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва уруғлик тайёрлашнинг ташкилий ва иқтисодий масалалари тўғрисида»ги қарориди катта меҳнат эвазига етиштирилган ризқ-рузимиз бошқоқ экинлари тезроқ, нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиниши долзарб вазифа қилиб белгилаб берилган. Бу қарорга наманганлик автотранспортчилар ҳам лаббай деб жавоб бердилар. Улар ўз имкониятлари даражасидан келиб чиқиб мавжуд техника воситаларидан 70 тасини 140 ҳайдовчи билан ҳўжаликларга жўнатиди.



Наманган автотранспорт хисадорлик жамияти раиси Тоҳиржон ИСМАТИЛЛАЕВ билан суҳбат

довчилар, инженер-техник х о д и м л а р м у ва ф а қ и я т л а р и м и з б о ш о м и л и. Турсунбой Дадамирзаев 20 йилдан ошибдики, корхонада муқим ишлаб келмоқда. У ихтиёридаги транспортнинг сабасиз тўхтаб қолишига йўл қўймайди. Корхона мулкчилигининг янги шаклига энди ўтган кезлари Турсунбой Дадамирзаев ибрати бошқаларга асқотди. У ихтиёридаги 97-58 НАД номерли КамАЗ-55102 русумли юк машинани шахсий мулкдек қаровини ўринлатиб, ремонтсиз ишлатишга эришмоқда. Турсунбой Дадамирзаев ва унинг сменадoshi Зокиржон Тўраев 500 тоннадан ортиқ чўл дурдонасини дон маҳсулотлари комбинатида етказиб бердилар.

Автоколонна бошлиғи — галла штаби раҳбари Абду-мўтал Муродов чўл дурдонасини ташиб олишга сафарбар қилинган ҳайдовчиларнинг матонат кўрсатиб ишлатилган дамаун. Ҳайдовчилар чўл шароитида тез кўникма ҳосил қилганлар. Ҳозир Дўстлик туманида 36 та машина галла ташишда қатнашапти. Фуломжон Қўчқоров, Абдураҳмон Орнфобоев, Турсунбой Жўраев, Абдувоҳид Қодиров, Абдулло Жўраев кўби ҳайдовчиларимиз икки сменала ишлаб галлакорлар оғирини енгил қилиб, юзлаб тонна донни тегирмонга нест-нобуд-

сиз ташиб бермоқдалар. Мамлакатимиз галла пайкаларида бу йил йигит мавсуми чинакамга зарбдорчасига давом этипти. Американдан келтирилган «Кейс» комбайнлари билан ўрим суръатига суръат қўшилипти. Тумандаги «Оқ олтин», «Дўстлик», Қосим Раҳимов номли, Саркисов номли ижара ширкатлар бирлашмаси ва «Манас» давлат ҳўжаликлари галлазорларида қайноқ меҳнат дамлари давом этипти. Ҳайдовчи, янчилган дон пешма-пеш қайта ишловчиларга топшириляпти. Оғир юк автомашиналарининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида таъмирловчилар гуруҳи ҳам ҳайдовчилар қатори чўлда жавлон уришяпти. Техника хизмати кўрсатиш гуруҳи аъзоларидан Абдухалил Абдувалиев, Равланжон Бақодиров, Бахтиёржон Асқодиров айниқса гайрат кўрсатаяптилар.

Истиқболнинг бешинчи йилида мулкчиликнинг янги шаклида фаолият юритиб ишлатган хисадорлик жамияти ҳайдовчилари жорий йилда Наманган вилояти ва Жиззах вилояти Дўстлик тумани далаларидан 20 минг тонна бошқоқ дон маҳсулотлари ташиб бериш пайида бўлишяпти.

Бугун узоқни узоқ демай чўлқуварлар билан бир сафда туриб астойдил меҳнат қилаётган наманганлик ҳайдовчилар меҳнатидан Дўстлик тумани доқимлиги миннатдор бўлмоқда. Ҳўтган йил якунига кўра транспортчилардан бир гуруҳи фахрий ёрлик, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланган эди. Бу йил ҳам улар ўз меҳнатларини аямасдан деҳқонларга кўмакдош бўляптилар. Ҳайдовчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан етиштирилган ҳосил маҳтал бўлмағи қайта ишловчиларга етказилаётир.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



БИРИНЧИЛАР САФИДА

Бундан тўрт йил аввал иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган «Писикент» жамоа ҳўжалигининг 5 ва 6-бўлимлари таркибиди янги «Туркистон» жамоа ҳўжалиги ташкил этилганда баъзилар унинг истиқболига шубҳа билан қарашганди. Жамоа аҳли бир ёқадан бош чиқариб, ҳўжаликни оёққа тургазиб олишга, одамларнинг шубҳалари ўринсиз эканлигини исботлашга бел боғладилар. Меҳнат аҳли ёш мутахассис Жўракул Отақуловга катта ишонч билдириб, уни бошқарув раиси этиб сайлаб хато қилишмади. Ишлар жонланиб кетди.

Аниқ мақсад ва режа билан бошланган иш ўша йилиёқ ўз самарасини кўрсатди. Жамоа давлатдан олган қарзларини бир йилда даёқ узиб, соф фойда билан ишлагга ўтди. Эндиликда туманда илгорлар ҳақида гап кетганда, «Туркистон» жамоа ҳўжалиги тилга олинади. Ҳўжалиқда ҳар йили пилла, галла, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари бўйича белгиланган режалар

ортиги билан адо этиб келинмоқда. Айниқса, асосий ризқ-рузимиз — галлачилиқда ибрат бўларли ютуқлар кўлга киритилмоқда. Бу йил ҳам 310 гектар ердаги галла-ҳўжалиги мўл ҳосил етиштирилди. Натижалар қувончли. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан режадан 35 ўрнига 40 центнердан сара дон йиғиштириб олинмоқда. Мавсумда 1100 тонналик хирмон яратишни ўз олдидирига мақсад қилиб қўйган галлакорлар туманда биринчи бўлиб давлатта дон топшириш режасини адо этидилар. 560 тонна сара дон қисқа кунларда қабул пунктларига етказиб берилди. Шунингдек, келгуси йил учун бугудойнинг «Ёнбош» навида 100 тонналик уруғлик ҳам жамғариб қўйилди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Энди галланинг қолган қисми давлатга келишилган нарҳларда сотилади. Бу эса ҳўжаликка мўмай даромад келтиради. Галла ўрими асло сусайгани йўқ.

— Галлазорларимизда 3 та ўрим комбайни унум билан ишлатилмоқда, — дейди

бошқарув раиси Ж. Отақулов. — Кунига 25—30 гектардаги ҳосил саранжомлаб олинмоқда. Айниқса ўрта Чирчиқ туманидаги Марказий техника таъмирлаш корхонасидан ижарата олиб ишлатилаётган Американинг «Кейс» маркали комбайни ишга алоҳида берака киритяпти. Комбайнчилар учун иссиқ овқат дала бошида ташкил этилмоқда. Ҳўжалик бу йил бугудой сомониин ҳам нест-нобуд қилмасдан сотишни йўлга қўймоқда. Тузилган шартномага кўра, Ангрен картон фабрикаси сомониин харид қилиб олмақда. Ҳосилдан бўшаган майдонлар эса пешма-пеш шўдурланиб, ўрнига кечки картошка, мош, помидор, қарам ва маккажўхори экилмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.
СУРАТДА: жамоа ҳўжалиги бош муҳандиси Наби Усмонов (ўртада) комбайни Ҳайиткул Алибеков ва тракторчи Жаббор Имомназаров билан галлазорда. Д. Аҳмад олган сурат.

ОҚЧАНИНГ ОҚ БУҒДОЙИ

«Ангрен» ширкат жамоасининг Оқчадаги далаларининг икки юз гектардан кўпроғи галлазор. Тонг энди ёришиб келаётган бўлса-да, у ерда комбайнлар ишни бошлаб юборилган. Олти-етти машина, бир неча тиркагичли тракторлар ўриб-янчилган донларни пешма-пеш ҳўжалик марказида галла тозалаш пунктига элтмоқда.

— Ҳозир ун иккинчи машина кетди, — деди бригадир Кўчқор Йўлдошев.
— Машиналар тўлами? — Унга синовчан тиклиди ҳўжалик раҳбари Тўлқин Тўраев.
— Ками уч, уч ярим тонна чиқади, кеча болалар сал шошибди-да, раис, — деди бригадир. — Бугун ҳар бир машинани ўзим назорат қилиб, қоғозларини ҳам ўзим ёзиб бераётиман.
Галла ўраётган комбайнлардан бирининг ёнига бордик. Пешонасини оқ рўмолча билан тағиб олган, икки кузини галлазордан узмаётган, қорачадан келган, қош-киприқларига губор кўнган йигит раисни кўриб тўхтади.
— Саҳарда иш бошлаган экансизлар, неча гектар ўрилди?

— Анави комбайнчи билан кўшиб ҳисоблаганда беш гектардан ошадий.
Иккинчи комбайн тўхтаб турибди. Нимасидир шикантланган кўринади, лекин бункердан машина юкхонасига оппоқ бугдой тўшмоқда. Таъмирловчи усталар келиши ва бир зумда агрегат созилади. Комбайн яна ўриб кетди. Учинчи комбайннинг ҳайдовчиси дилқаш йигитга ўхшайди. Комбайн кабинисига магнитофон қўйиб олган. Техниканинг гуриллаши билан бирга кўшиқ эшитилмоқда. Биз шийпонга келганимизда бригадир Кўчқорали Йўлдошевнинг озги кўлоғида эди.
— Давлат бюрготмаси бажарилди, — деди у. — Ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ҳосил олишимиз керак эди. Ҳозирча 35,5 центнердан тушаёпти. Ҳали ўрилмаган 78 гектар ер бор.
Ҳўжалик раиси Кўчқоралини кўтлаш учун кўлини чўзди ва ҳайдовчисига юзлабни буюрди:
— Марказга бор-да, ҳақиқи кўйлардан бирини унгариб тез кел.

Биз шийпонда комбайнчилар билан гурунглашиб ўтирдик.
— Бу йил галла яхши бўлди, — деди комбайнчилардан бири. Астойдил ҳаракат қилинса, 40-42 центнердан ҳосил кўтариш мумкин.
— Кеча ҳў анови ерларни атайлаб оралаб чиқдим, — суҳбатта кўшилди бошқаси. — Лалмидан 12-13 центнердан олса бўлади. Бўлтурғига қараганда яхши.
Шу пайт ҳайдовчи катта қора кўйини машинадан туширди. «Бугунги тушлик менинг ҳисобимдан», деди раис кулиб ва бригадирга қаради.
Бир пилладан чой ичилгач, раис билан тўғри марказий омборхонага бордик. У ерда суғориладиган ерлардан олинган ҳосил ҳозирга 36 центнердан тушаётганини айтишди. Айни кунларда галла ўрим-йигитига бешта ўриш агрегати, ўндан ортиқ транспорт ва бошқа техника жалб этилган. Галла тозалаш агрегати икки сменала ишляпти. Ўт учир-иш машиналари, сув ташийдиган транспортлар дала шийпонларида тахт. Одамларнинг кайфияти баланд. Чунки йирик ҳўжаликлардан бири бўлган «Ангрен» ширкат жамоаси Оҳангаронда биринчилардан бўлиб галла ўрим-йигитини 25 иш кунинда тугаллашга қарор қилишган.
Ҳўжаликдан қайтаётиб, яна Оқчадаги пайкалларга тикилдим. Қош қорайтанига қарамай, комбайнлар гувиллаб ишларди...

Мўмин ҚАЮМ.

ИККИНЧИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Адоғи уфққа туташган бепоён галлазор шамолда денгиздек чайқалади. Етиштирилган мўл ҳосилни деҳқонлар ўриб-йиғиб олишга астойдил киришган. Комбайнлар наъраси галлазор бўйлаб таралади. Ширкатлар уюшмаси раиси Искандар Бўриев 2-3 донна бошқоқни мафти билан майдалаб, донни пўстлоқдан ажратди.

— Мана-буни дон деса бўлади, — деди у. — Ҳар бирида 40-50 донна қизғиш дон маржондек товланади. Бу майдонлар Имом ака Норқобилов бош ижарачилик қилаётган деҳқонларга қарашли. Улар «Санзор-4», «Санзор-8» нави бугдой, «Болғали» нав арпа экиб, мўл ҳосил ундирдилар. Бугдой гектарига 45 центнерни ташкил этмоқда.

Имом Норқобилов етакчи галлакорлар Яқкабоб туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа ширкатлар уюшмасида меҳнат қилишади. Ҳўжалик деҳқонлари жорий йилда 594 гектар майдонда бугдой, 165 гектар ерда арпа парваришляди.

— Арпа ўрими тугалланди, — деб сўзини давом эттирди уюшма раиси, — ўртача ҳосилдорлик 40 центнерданга тўғри келди. Бугдой ўрими ҳам охирида бўлди. Такрорий экинлар экишни бошладик. Али Нарзиев, Эргаш Йўлдошев, Фулом Самадов, Роҳатой Саидова, Абдували Бердиев бошчилик қилаётган галлачилик бригадаларида ҳосилдорлик айниқса яхши.

Шербобо Бобоев, Парда Раҳмонов, Шероват Жовлиев каби сергайрат комбайнчилар ўз техникаси билан кунига 5-6 гектар майдондаги донни йиғиштириб олишмоқда. Галлакорлар няяти 2100 тонна дон олиб, 1110 тоннасини давлатга сотиш. 200 тонна сара дон уруғлик учун сақланди. Ҳосилдан бўшаган майдонларнинг 30 гектарига чигит экилди, шунингдек 70 гектарига маккажўхори, 20 гектарига мош, 8 гектарига картошка, 3 гектарига сабзи, 5 гектарига полиз ва бошқа уруғликлар қадалапти.

«Қизил Юлдуз» жамоа ширкат ҳўжалиги далаларидаги ҳосил чўғини кўрган кишининг кўзи қувнади. 340 гектар ердаги экиндан ўртача 38-40 центнердан хирмон уйилмоқда. Комбайнчилардан Ибодулло Раҳимов, Улаш Кенжаев, Соли Тўраев, Абдавайит Жўраевларнинг ҳар бири кунига 5-6 гектар майдондаги ҳосилни саранжомлаб хирмонга тўкишмоқда.

Галлакорлар унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат тайёрляпти, дастурхондан мевачева аримайди. Иш ҳақи вақтида бериляпти. Амалга ошириляётган барча чора-тадбирлар, галлакорни гайрат билан ишлагга ундаётир.

Хайрулла ТўРАЕВ.

Банк тизимида ислоҳот қандай бормоқда?

Республика Марказий банкда булганимизда купгина банклар эндиликда ўз фаолиятларини замон талаблари даражасида қайта қурғиликларини, уларда хизмат кўрсатиш маданияти такомиллашиб, хизмат турлари қўлайлигини, энг муҳими молия муассасаларига аҳолининг ишончи ортиб бораётганини эшитдик. Улар орасида республика «Ипак йўли» ўзбек инновация-тижорат банкининг номи ҳам

қайд этилди. Биз кўлга киритилган ютуқлар, тулланган тажриба, умуман иш юритиш омилларини билиш мақсадида мазкур банкда бўлдик. Дарҳақиқат, муассасада мижозларга яратилаётган қўлайликлар, ходимларнинг одамлар билан муомаласи, юмушлар тула замонавий компьютерларда бажариляганлигини кўриб, кишининг кўзи қувнади. Қўйида мазкур молия муассасаси фаолиятини батафсил еритишга ҳаракат қилдик.

Банкнинг ташкил бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. У 1990 йили вужудга келган. Таъсисчилари ҳам халқ ҳўжалигининг турли тармоқ корхоналаридир. Банк қайси тармоққа мансублигидан қатъий назар ҳамма мижозлар билан ишляди. Мазкур молиявий муассасанинг мижозлар орасида обрўйи ошди. Шу боис уларнинг сони ошиб бормоқда. Айни пайтда 900 дан ортиқ мижозларга 50 дан зиёд хизмат тури кўрсатилляпти.

Тўғриси, бундан уч-тўрт йил илгари банкларда иш замон талаблари даражасида эмасди. Пул ўтказиш оилаб чўзилиши мумкин, хизмат турлари кам, хизмат маданияти тўғрисида мутолқа гапириб бўлмасди. Ҳозирги банк тизимиди ҳолатини илгаригиси билан таққослаб бўлмайди. Амалга ошириляётган иқтисодий ислоҳотлар ўз мевасини бермоқда. Биз мазкур банкда шу йўналишда қандай ишлар амалга ошириляётганлиги билан қизиқдик. Мижозларни немаси билан ўзига жалб қилмоқда, ютуқлар омили нимала?

Бу саволларга банк эшигидан кирган заҳоти жавоб топиш мумкин. Мижозларга ходимларнинг хўшмуомаласи, барча ишларнинг бир зумда битиши, зарур бўлса турли хил маслаҳатлар олиши, умуман уларнинг билдан кўнгли тўқ бўлиб чиқши фикримизни тасдиқляди. Бундай иш юритиш мижоз-

лар сонининг ошишига олиб келмоқда. Масалан, мижоз банкка келди дейлик. Унинг қоғозларни тўлдиршида баъзи камчиликлар бор. Унга қўзғалдириб қайта тўлдиршида, уни машинкалашда бепул хизмат кўрсатилди, яъни мижоз иш-

иктисодиётига ўтиш даврида ҳаётдан орқалда қолиб қолмади. Мақсадимиз хизмат кўрсатиш маданиятини ошириб, мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишди.

Дарҳақиқат, бу ерда «Банк мижоз учун» шиори остида иш юритилмоқда. Шу боис хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, уни такомиллаштириш устида тинмай иш олиб бориляпти. Шу йилнинг апрель ойида муассаса янги бинога кўчди. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган кенг, шинам хоналар ва заллар мавжуд. Айниқса, биринчи қаватдаги мижозлар билан ишлагши мўлжалланган зал кишининг эътиборини тортади. Ходим мижозлар билан тўсиқ ортдан эмас, бемалол озма-юз гаплашишади. Ҳамма ҳисоб-китоб, тўлов жараёнлари уларнинг кўз олдига амалга оширилади. Бу табиийки, мижозларнинг банкка нисбатан ишончини орттиради.

Банкда хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир Марказий Осие — Америка тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси валюта кредитларини мижозларга етказиб беришга воситачилик қилляпти. Валюта кредитла-



«ИПАК ЙЎЛИ» РИВОЖЛАНИШИДА

рени олган мижозлар чет эл технологияларини олиш ҳуқуқига эга бўлидилар. Шунингдек, «Европей интернешнл» халқаро ташкилоти билан шартнома тузилган. Шунга асосан банк ташкилотнинг республикадаги ягона вакили ҳисобланади. Эндиликда халқаро ташкилот томонидан чиқарилган магнит картчалар эгалари томонидан мамлакатимиз ҳудудда ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга келгусида бу ерда чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш, мижозларнинг улар ичида энг афзалини танлаб олиш имконига эга бўлиши устида ҳам иш олиб боришмоқда.

Қибрай туманидаги «Дилшод» фермер ҳўжалиги ҳам банкнинг мижози экан. Ҳўжалик билан банк оралиги 40 километр. Биз фермернинг нима учун шунча узоқдаги банкни танлагани билан қизиқдик.
— Ҳозир мижоз ишига қараб банкни танлаш лозим, — дейди фермер

бунда банкнинг ҳам ҳиссаси бор.
Банк фаолияти билан батафсил танишиб, мижозлар орасида қишлоқ ҳўжалиги тармоғидаги жамоалар кўп эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бу албатта, молия муассасасининг яхши фаолият кўрсатаётганлигидан далолат беради.

— Мижозлар банкни танлаши керак, банк мижозларни эмас, — дейди банк бошқаруви раиси Ҳамза Иноғомович. — Улар ишини битириб, кўнгли тўқ бўлиб кетса, шунда биз қилаётган ишмиздан кўнглимиз тўқ бўлади. Ана шунда мамлакатимиз иқтисодиётига маълум ҳисса қўшиш деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, раиснинг гапи ҳақ. Кўпчилик банкларни иқтисодиётнинг қон томири дейди. Қон томирда қон яхши айланса иқтисодиёт мустаҳкамланади. Бу ҳаёт қонун.

Х. КАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.
СУРАТДА: катта ҳисобчи Татьяна Пещерова мижозларни қалб қилмоқда. Д. АХМЕДОВ олган сурат.

Биз улкан мерос ворисларимиз

Маълумки, ҳамсанавислик сардорин озар халқининг буюк фарзанди Абу Муҳаммад Ибн Юсуф (1141-1209) — Навоийнинг ота-бобои. Унинг илм-фанда маъмуриятини ўз ичига қамраб олган аждоғи девони ва «Хамса»си, яъни «Панж ганж» билан дунёга машҳурдир. Навоийнинг ҳамсанавислигини биринчи бўлиб бошлаб берди. Биринчи бўлиб иш бошлаш, бошқаларга йўл очиб бериш эса осон эмас.

Навоийнинг Ганжавидан бошлаб, ҳамсанавислик анъанага айланб қолди. Унинг издошларининг барчасини санаб ўтишни ўзи бир муаммо. Навоийнинг «Панж ганж»га кирган дostonлари асосида асар яратиш ёки уни таржима қилиш XIV-XV асрларда кенг оммавий тус олиб берди. Бу эса Навоий асос солган жамоатчилик мактабни кучининг таъсири даражаси билан боғлиқ эди. Навоийшунос Ботир Валихўжаевнинг гувоҳлик беришича, «Панж ганж» ва «Хамса»лардан 50 дан ортиги илм-фанда маълумдир. Масалан, Ҳайдар Хоразмий (XIV) «Маънаул асрор» асосида фалсафий-таълимий асар яратди. Шайхий (XV) ва Кутб Хоразмийлар (XIV-XV) «Хусрав ва Ширин»ни таржима қилдилар. Кутбасарнинг мазмунини ҳам, таржима тилига ҳам гоё катта аҳамият берган.

Сўз санъаткорлари орасида янги, мазмундор асарлар ёзганлар ҳам оз эмас эди. Уларнинг ҳаммасини Навоий Ганжавийнинг ушбу соҳадаги мактабининг давом эитирувчилари, издошлари ва шогирдлари сифатида изоҳлаш лозим. Улар орасида дунёга танилиб, машҳур бўлиб кетганлари — Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдир.

Алишер Навоий, Навоий Ганжавий ва бошқа ҳамсанавислар таърифи асосида янги гоёвий-бадиий йўналишда бутун Шарққа манзур бўлган дostonлар яратишга жазм этганлигини, буйўлда Навоийнинг кўеши нуридан баҳраманд бўлганлигини зўр гуруру ва ифтихор билан алоҳида кўрсатиб ўтган.

Навоий Ганжавий номи ўзбекистонда ҳам юксак эъзозланиб келинмоқда. Унинг номи билан ўзбекистон давлатида энг йirik олий ўқув юрталарининг бири, яъни Тошкент Давлат педагогика институтини аталган. Яна қанчалар-қанча мактаблар, кўчалар Навоий номи билан юритилди. Бу эса ўзбек ва озар халқларининг қадимий тарихий тараққиёт йуллари, маданияти, тили, санъати муштараклиги билан ҳам узвий боғлиқдир.

Бизнинг сўнас сиймомиз бўлган ҳазрати Алишер Навоий туркий тилида биринчи бўлиб, «Хамса» ёзишни бошлаб берди. Унинг издошлари ҳам ким эмас. Масалан, Ломий (турк шоири,

саҳифаларда «Хамса»га тааллуқли материаллар ўз инфо-досини топган.

Навоий Навоий ва Хусрав Жомий «Хамса»ларини чўкур мутолаа қилди. Сўнг шоирлар ўр-учала ҳамсанавислардаги бой таърибалар ва манбалар асосида туркий тилида «Хамса» ёзиш истаги туғилди. Бу ҳақда Жомий ҳазратлари билан маслаҳатлашди. Сўнгра «Хамса» ёзишга қаттиқ бел боғлаиди.

Улуғ Алишер Навоий ўзининг сафаларини, ўз устозларини қанча мактамасин, ҳамма вақт Навоийнинг биринчи ўринга олиб, унинг изат-хурматини жойига қўйишга ҳаракат қилади, уни хазина йиғувчи, олтин ва зар

деб қамгарлик қилади.

Навоий ўзининг «Сабаъий сайёр» дostonида ҳам узидан олдин «Хамса» ёзган устозларини, жумладан, Навоийнинг биринчи бўлиб «Хамса» ёзиш-ни бошлаб берганлигини, унинг аҳамияти эса гоё катта эканлигини самимият билан мадҳ этади.

Навоий Ганжавий Чин дe-ганда, асосан, Хитойнинг туркий халқлари яшайдиган қисмини, яъни Шарқий Туркистонни, Хитойнинг бир қисмини тушунади. Бундан ташқари, айрим ёзма илмий ишларда Чин — Хитойнинг айнан ўзи, Фарҳод — Хитой ҳоқонининг ўли деб изоҳлашни галати-дир. Чунки Чиннинг (Хитойнинг) учга бўлиниши, унинг бир қисми туркий тилида сўзлашувчилар эканлиги «Девону луғотит турк» да аниқ айтиб ўтилган. Махдум Қошғарий Ҳоқон сўзини туркий халқларга нисбатан қўллайди: «Зулқарнайн уйғур вилоятига яқинлашган, турк ҳоқони унга тўрт минг оламини йўллади». Навоийнинг «Хамса»да «Искандарнома»сида ва бошқа ёзма манбаларда ҳам ишончли далил ва материаллар мавжуд. Буни профессорлар Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовларнинг луғатига ҳам аниқ кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, форсийлар орасида Навоий, туркийлар ичра эса Навоий биринчи бoл «Хамса» яратиш, дунёга долг таратилган, шу тариқа жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирилган. Бу икки ҳамсанависнинг асарлари асрлар оҳа келажак авлодларига бой мерос бўлиб қола-верди. Энг мактовга сазоворли томони шундаки, ҳар иккала сиймо ҳам туркий халқлар ва-киллариандир. Демак, туркий халқларнинг вакиллари ҳам ўз она тилиларида, ҳам форсий-туркийликда намуна бўлиб келганлик-лари тарихий ҳақиқатдир. Бу эса умумтуркий фуқароларнинг фахри ҳисобланади. Уларнинг номлари неча минг-минглаб йиллар келажак авлодларини руҳантйриб туришига ишон-чимиз қомил.

Назар РАҲАБОВ, филология фанлари доктори.

ОЛАМГА ОЛТИНУ ЗАР СОЧГАН ШОИР

XVI аср) ва Навоий (уйғур шоири, XVIII аср) кабилар эса ўзларининг «Фарҳод ва Ширин» деб номланган асарларини Навоий дostonидан фойдаланган ҳолда яратганликлари маълум.

Бобокалонимиз ўз ижодий фаолиятининг самараси сифатида «Хамса» ёзишга киришган-да Навоий «Панж ганж»нинг мадждор бўлганлигини зўр мам-нуният билан тилига олиб ўтади.

Нихоят, туркий тилида ҳам «Хамса» ёзилди. Бу асар айрим манбаларда такрор-такрор ай-тилиб келинаётганидек, 2-3 йил мобайнида ёзиб тугалланган эмас, балки узоқ йиллар маҳсули. Муаллифнинг бу ҳақдаги ишорасини эса барча материалларни жамлаб бўлган, «Хамса»ни яхлит ҳола келти-риб, тўла шакллантириш даври деб тушуном ҳозим. Машҳур навоийшунос Хамид Сулаймо-новнинг таъкидлашича, бирги-на «Байонул бидо» ўн беш йил ичида яратилган. Машҳур «Ха-зойинул маоний» эса ярим аср-лик машаққатли меҳнатнинг самараси сифатида юзага кел-ганлиги аниқдир.

Биз бу ҳақда «Хазойинул ма-оний» дан истаганча далил кел-тиришимиз мумкин. Дастлабки кузатишларимизга кўра, бирги-на «Ҳаройинул синар» да камда эдик жойда, «Наводируш шабоб»да эса ундан ҳам кўпроқ

сочган буюк шоир ва адиб сифа-тида таърифлайди, унинг қала-ми зарбига юқори баҳо беради. Навоий Ганжавий сингари юқори савияли, ўқимишли асар яратишининг гоё мушкул экан-лигини, чунки унинг кучли шер эканлиги, у билан шур бўлиб мусобақа қилиш, камда йўлбарс каби кучли бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Буюк ҳамсанависларнинг ала-бий меросини чўкур ўрганиш ва таҳлил этиш туйғули бобокало-нимиз ҳам тўртинчи сўнас сий-мо даражасидага кўтарилди. Ҳозирги пайтда «Хамса» дe-ган атама тилган олинганда, жаҳонда Навоий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳақида бир йўла тўла тасаввур ҳосил қилинади. Чунки улуғ шоирим-из янги йўналишдаги, чўкур мазмунли асарлар яратишга, ўзи-дан олдинги ёзилган асарларни тақрорлашаслиги кераклигини алоҳида таъкидлаш билан бир-га, халқ ҳаётида муаммоларнинг, мавзуларнинг гоё кўпчилиги, биз-нобарин, улардан ўз савияси, ўз услубига, кучига ва билми дара-жасига мосларини танила олиб, халқни баҳраманд қилиш оли-зимлигини қатъий айтиб ўтади.

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»нинг яқунловчи қисми-да Навоий, Хусрав ва Жомий-лар билан тенглаша олмайман,

деб қамгарлик қилади.

Навоий ўзининг «Сабаъий сайёр» дostonида ҳам узидан олдин «Хамса» ёзган устозларини, жумладан, Навоийнинг биринчи бўлиб «Хамса» ёзиш-ни бошлаб берганлигини, унинг аҳамияти эса гоё катта эканлигини самимият билан мадҳ этади.

Навоий Ганжавий Чин дe-ганда, асосан, Хитойнинг туркий халқлари яшайдиган қисмини, яъни Шарқий Туркистонни, Хитойнинг бир қисмини тушунади. Бундан ташқари, айрим ёзма илмий ишларда Чин — Хитойнинг айнан ўзи, Фарҳод — Хитой ҳоқонининг ўли деб изоҳлашни галати-дир. Чунки Чиннинг (Хитойнинг) учга бўлиниши, унинг бир қисми туркий тилида сўзлашувчилар эканлиги «Девону луғотит турк» да аниқ айтиб ўтилган. Махдум Қошғарий Ҳоқон сўзини туркий халқларга нисбатан қўллайди: «Зулқарнайн уйғур вилоятига яқинлашган, турк ҳоқони унга тўрт минг оламини йўллади». Навоийнинг «Хамса»да «Искандарнома»сида ва бошқа ёзма манбаларда ҳам ишончли далил ва материаллар мавжуд. Буни профессорлар Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовларнинг луғатига ҳам аниқ кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, форсийлар орасида Навоий, туркийлар ичра эса Навоий биринчи бoл «Хамса» яратиш, дунёга долг таратилган, шу тариқа жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирилган. Бу икки ҳамсанависнинг асарлари асрлар оҳа келажак авлодларига бой мерос бўлиб қола-верди. Энг мактовга сазоворли томони шундаки, ҳар иккала сиймо ҳам туркий халқлар ва-киллариандир. Демак, туркий халқларнинг вакиллари ҳам ўз она тилиларида, ҳам форсий-туркийликда намуна бўлиб келганлик-лари тарихий ҳақиқатдир. Бу эса умумтуркий фуқароларнинг фахри ҳисобланади. Уларнинг номлари неча минг-минглаб йиллар келажак авлодларини руҳантйриб туришига ишон-чимиз қомил.

Назар РАҲАБОВ, филология фанлари доктори.

ОНАЛАР ҲИММАТИ, ОТАЛАР САХОВАТИ

Мирзахўжа Уринхўжаев номли ўрта мактаб Жомбой туманида биринчилар қато-рида янги ўқув йилига таъмирлаб қўйилди. Бу шарафли ишни бажаришга оталик таш-килоти яқиндан кўмаклашди. Таъмирлаш учун зарур бўладиган оҳақ, бўёқ ва бошқа нарсалар етказиб берилгани учун ўқув оналарнинг кўрсатган саховатини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Наби ака ўз жамғармасидан иккита синф хонасини тўлиқ таъмирлаб берди. Хосият Ражабова, Шавкат Турди-беков сингари ота-оналар ҳам бозор иқтисоди шароитида беиминнат хизматини илм масканида аямдилар.

— Мактабимизда қарийб минг нафар ўқувчи ўқийди, — дейди илмий ишлар мудири Нўъмонжон Зиёев. — Ўқувчиларимиз таътил даврини намунали ўтказишлари учун дам олиш оромгоҳи таъ-кир этдик. Унда 60 нафар ўқувчи бепул қордиқ чиқаришайпти. Мактабнинг 36 та синф хонаси, 15 та кабинет, умумий овқатланиш хоналари, спорт зали, маж-лис заллари таъмирлаш учун бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилдик. Ишлаб чиқариш бригадами бор: Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Олинган маҳсулотлар ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланади.

П. ТОҶИБОВ.

Бу турфа дунё

НЕЧТА БЕРЛИН БОР?

Сайрамада адаш шаҳарлар талайгина. Берлиндек 44 эшли Гари Хампель кўрраи замнинида нечта Берлин шаҳри бор эканлигини аниқлаш ва уларнинг барчасига таъриф буюришга қарор қилди. Хозиргача у 15 мамлакатда Берлин номи 97 шаҳар борлигини аниқлашга муваффақ бўлиб, Бундай номи шаҳарлар АҚШда 26 та экан. Улардан энг каттиси Висконсин штатида жойлашган бўлиб, аҳолиси 33 минг кишини ташкил этади.

Унда катта бўлмаган Боливияда ҳам олтига Берлин бор экан. Уларнинг энг кичиги Янги Зеландияда бўлиб аҳолиси атиги уч кишидан иборатдир. Қизғи шундаки, бу курғонча катта Берлин шаҳарига эмас, 1857 йили ушбу манзилда қўнган топган швейцариялик почта ходими Жон Берлин хотирасига шундай номланган экан.

СУВАРАК — АСТМА САБАБЧИСИ

Кейинги йилларда АҚШда кашалданлар сонини аниқлаш, атраф-муҳит му-сафоланишига қарамай на-фас қисий касаллиги — астма билан ортиган беморлар 45 фoнзга кўпайганини таъкидлаш уйғотиб, бир гуруҳ олимлар ушбу салбий ҳолат сабабини аниқлашга азму қарор қилиш-ди.

Тадқиқотлар беш йил давомида АҚШнинг етти йirik шаҳрида қилиб берилди. Хона-донлардаги яшаш шароитлари ўрганиб чиқилди, чанг-чўчқ таҳлилдан утказилди, аллергия олиб келувчи омил-лар текширилди. Асосий эъти-бор ночор оилаларга қарати-либ.

Ун ешдан кичик бўлган 1528 болакай ва уларнинг яшаш шароитларини ҳар то-монлама ўрганиш шунини кўрсатдики, нафас қисий хас-таллигини келтириб чиқарилган асосий омил ил-мий тилида вилетлада германи-на деб юритилган, олий-ҳа-сага айтганда эса суварак баланида ва ахлатида мавжуд модда экан. Иллардан ҳам шифокорлар бир қарашда бе-озор куринган сувараклар қатор касалликлар уйғотувчи зараркунда эканлигини тах-мин қилишарди. Энди бу тах-минлар амалда иботланди.

Шундан ўзининг ҳулоса чиқараверинг.

УТТИ ЭШИЛ НАЙНОВ

Хитойнинг Хунань вилоя-тида истиқомат қилувчи Ма Гунъану 30 ни қоралаб қол-ган бўлса-да, ҳамон буйи усмоқда. Ҳозир унинг буйи 232 сантиметрга етди. Иштаҳаси ҳам қарнайлтича қолмоқда: кунига 3 килограмм гуручдан ташқари талайгина гушт, мевасазовот, балиқни паққос туширмоқда.

Шифокорлар Ма Гунъану саломатлигида ҳеч қандай номатлуб жиҳат топилшмай, унинг буй тортиши яна қанча давом этишини айтиб бериш-дан ҳам охиждирлар.

ЭНГ ЕШ КАКИМ

Эҳтимол, Хиндистонда энг еш каким гувоҳомасини ол-ган Амандин Шекхон вақти келиб бундай таъриодий ҳолатларни изохлаб бериш-нинг улдасидан чиқар. Гап шундаки, Амандин энди-на... 11 ешга тулди. Ҳали усмир-лик бусағасида турган бўлишга қарамай, у игна билан даволаш усулини му-камал эъланштириш ва нафас қисий ҳамда бош огригидан азият чекаётган 100 беморни хасалатидан фoнз этгани боис тантанали равишда мала-кали ҳақим гувоҳомасини олди.

Қидирбой ТҮЛЕБОВ

тўплаган.

ЧОПОНДУЗЛИК — САНЪАТ

Ўзбек халқининг миллий кийими сифатида сақланиб келаятган тўн (чопон) шу кун-гача ҳам ўз эътиборини йўқотгани йўқ. Тўн энгли, юқори қисми кенг, пасти томони торроқ, ўтиришга қулай кийимдир. Авра-астар-ли, ичига пахта солиб қавила-ди, тик ёқли, олди очик ва узун бўлади. Беқасам, ким-чоб, бахмал, шойи, сатин ва читлардан тикилади.

Ўзбек тўнлари ранги, узун-лиги, кенглиги ва кийиш услу-бига қараб ҳар жойда турли тикишган. Масалан, Бухоро, Қашқалар, Сурхондарё ва За-рафшон волийларидан узун ва кенг, узун энгли, пахта ёки ярилган илак ранга матодан ти-килган, Фарғона ва Тошкен-да яшил ва кўк яшил чопон кийиш олад бўлган. Асримиз бошларига қора сатин чопон кенг тарқалган.

Ўзбек халқининг кийим-ке-чаклари кўп асрлик тарихга эга. Археологик қазилмалар-дан топилган қадимий катта деворий расмлар, ҳар хил бу-

ЧОПОНДУЗЛИК — САНЪАТ

юмларга туширилган тасви-рлар аждоғларимизнинг ўтмиш-даги кийим-кечаклари тўғрисида бой маълумотлар беради. Ўрта асрларга оид ми-ниاتورлар ўзбек кийимлари-нинг тили шакллантилиги ва улари кейинги давргача сақланганлигини намойиш қилади.

Ўзбек халқининг чопондузлик санъати жаҳонга танилган. Айниқса, Бухоро ва Самарқандда зар иллардан ти-килган зардузи чопонлар машҳур. Улар қимматбаҳо ма-толлардан тикилиб, ёқаси, эта-ги, энг учларига турли хил ран-гдаги зар нақшлар, атрафига гаҳвэр тошлар қанда безати-лган. Самарқанд, Бухоро тўнлари XVIII асрда Россия, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатларга кўплаб чиқарилган. XIX асрнинг ўрта-

сида тўн Бухорининг Россия билан қилдиган савдосида муҳим товари ҳисобланган.

Бухорининг зарбоб, Самарқанднинг духоба тўнлари Шарқда ҳам машҳур бўлган. 1878, 1890, 1909 йил-ларда Туркистонда, 1889 йил-да Париж, 1891 йилда Моск-ва, 1896 йилда Нижний Нов-город, 1912, 1913 йилларда Петербург кўргазмаларида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбек-кистон тўнлари кўргазмининг олтин, қумуш ва бронза ме-даллари билан тақдирланган.

Бугунги кунда ҳам тўн ҳамишадагилик ўзбек халқининг гуруридир. Ҳаётимизнинг энг қувончли кунини ҳам, энг огир жудолик кунини ҳам тўн биз билан бирга. Тўн ўзбек чопондузлик санъати тарихида энг қолди-риб. Бу юксак халқ санъатини авлоддан-авлодга етказиб келаятган чеварларимиз омон бўлишим!

Хосият УЗОҚОВА, тарихчи.

ГУЗАРДА МАИШИЙ ХИЗМАТ ШОҲОБЧАЛАРИ

Маиший хизматнинг тури кўп, қамро-ви кенг. Деҳқоннинг этикдўзга, сепара-тори бузилган чорвадорнинг созловчи устага иши тўшмай иложи йўқ. Кимдир кийимини кимёвий усулда тозалашга топширса, бошқаси эса бичувчи-ю ти-кувчиға янгисини буюртма беради.

Суратчи-ю сартарошларга ҳам ҳар доим миждоз топилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳарларда илдам йўлга қўйилган. Лекин қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш даражаси ҳали орқада.

«Хизмат турларини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш мақсадига қандай тадбирлар амалга ошириляпти?» — дe-ган саволимизга Марҳамат тумани ҳокимининг уринбо-сари М. Эрақбоев қуйидагича жавоб берди:

хунармандчилик касблари ургатилди. Дарҳақиқат, Марҳамат қишлоғида чойхона, қассобхона, суратхона, этикдўзлик устaxonаси, кинокурса тиш зойки, Равот қишлоғида эса бундай шохобчалар қаторидаги гузарда бозор-ча, ҳаммом мавжуд. Энг чека Чилон қишлоғида ҳам этикдўзлик устaxonаси, сартарошхона, новвойхона бор.

— Бу борада 2000 йилгача мўлжалланган дастурга мувофиқ иш тутаями. Вилот ҳокимлигининг яқиндан берган ёрдами билан кейинги икки йилда 362 та турли хизмат кўрсатувчи кичик корхона ҳамда шохоб-чалар ташкил этилди. Бу хилдаги хиз-мат шохобчаларининг қишлоқларда кўпроқ бўлиши эътиборимизда туриб-ди. Маиший хизмат шохобчаларини кен-гайтириш учун 1995 йилда 9 миллион сўм сарфладик. 1991 йилда қишлоқлардаги маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг сони 75 та бўлса, ҳозирги пайтда 200 тага етай қўйилди. Жойларда янги-янги хизмат турларини ташкил этиш аҳоли эҳтиёжини қондириш имконини бермоқда. Келгусида қишлоқ гузарла-ридаги хизмат шохобчаларида бажа-риладиган буюртмалар салмоғи янада ошади.

Т. Мирзаев номли жамоа ҳўжалиги урамидан 50 та тикувчилик машинаси билан жиҳозланган цех ишга туширил-ди. Бобур номли жамоа ҳўжалигидаги тўкув цехида юздан зиёд киши ишлая-пти. Эҳтиёжмандларнинг буюртмалари бажарилаяпти.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорлик кулоч ёйяпти. Буш турган бинолар маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очил учун тад-биркорлар ихтиёрига берилди. Шун-дай масканлар қуриш учун ишбилар-монларга 7 гектар ер ажратилди.

«Уста» кичик корхонасида мебеллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда тур-ли машиналар таъмирланапти. «АДДА» кичик корхонаси турар жойларни таъ-мирлаш билан шуғулланмоқда. «Техни-ка» хусусий фирмаси эҳтиёжбop турли буюмлар тайёрляпти. Аҳолига хусусий транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Жойларда янги-янги хизмат турларини ташкил этиш аҳоли эҳтиёжини қондириш имконини бермоқда. Келгусида қишлоқ гузарла-ридаги хизмат шохобчаларида бажа-риладиган буюртмалар салмоғи янада ошади.

«Уста» кичик корхонасида мебеллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда тур-ли машиналар таъмирланапти. «АДДА» кичик корхонаси турар жойларни таъ-мирлаш билан шуғулланмоқда. «Техни-ка» хусусий фирмаси эҳтиёжбop турли буюмлар тайёрляпти. Аҳолига хусусий транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Жойларда янги-янги хизмат турларини ташкил этиш аҳоли эҳтиёжини қондириш имконини бермоқда. Келгусида қишлоқ гузарла-ридаги хизмат шохобчаларида бажа-риладиган буюртмалар салмоғи янада ошади.

Қ. АСҚАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Пойтахтимизда Туркиянинг «Айсел» фирмаси билан ҳамкорликда Диснейленд ва Аквопарк барпо этилган. Бу бoр нафақат шаҳарлик ешларга, балки республикамизнинг тури вилоятларидан ташриф буюрган кичиктойларга намунали хизмат кўрсатапти.

СУРАТДА: боғнинг олд томонидан умумий кўриниши.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНАДИ

Миллий спорт турлари бўйича қишлоқ аҳли уртасида жумҳурият спартакиадасини ўтказиш республика ташкилоти кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар атрофида қараб чиқилди ва ҳакамлар ҳайъати тасдиқланди. Мазкур масалалар юзасидан қисса ва уюшмалар жисмоний тарбия ва спорт «Ўзбекистон» жамъия-ти раиси В. Бойқо ҳамда «Пак-такор» жумҳурият спорт клуби раҳбари Б. Бетимқулов маъруза қилишди.

27-31 июль кунлари Гулистон шаҳрида утдиган спарта-киада баҳасларини уюштирил-га Ўзбекистон Қишлоқ

ҳўжалиги вазирилик, «Ўзмева-саб-завотузумсаноат» республика уюшмаси, «Ўзлонмаҳсулот» ва «Ўзтўтувсаноат» корпорация-лари, жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмиталари бош қўшб, асосий таъсисчи бўлишди. Сир-дарё вилояти ҳокимлиги, қасба уюшмалари вилот ва район ке-нашлари, атросаноат мажмуи қа-саба уюшмалари Марказий қўми-таси, Қорақалпоғистон респу-блика ва барча вилот кенгашиларини ҳамда жойларда мусобақаларнинг дастлабки босқичларини ўтказ-миш, финал уйинларини ташкил этишга кизгин қиршилдилар.

Спарткиада буюк соҳибқиро-н Амир Темур таваққулининг 660

йиллигига бағишланган бўлиб, спортнинг миллий турларини янада оммалаштиришга қаратил-ган.

А. ШЕРОВ. МАРОҚЛИ ҲАҚИКАТИ

Кейинги уйинларни ҳар қачондиган ҳам муваффақиятли ўтказетган «Пактакор» биринчи даврининг сунтии урарулини Андижонда ўтказиб мухлислар қалбига бир қадар гулдуга уйғотгани сир эмас. Гап шунда-ки, «Наврў» ҳеч қандай рақибдан тап тортайдиган жамоалар тои-фасидан бўлиб, утган йилги узоқ муздаб маълумият нималигини билмаган мамлакат уч карра че-пшич «Нефчи»ни илқ марта тои-фидан олиб берилгани албатта но-

хўш ҳолат, лекин шунини унутмас-лик жоизки, икки марта фарғоналик футболчилар ҳисоб-ни тенглаштиришга базур му-ваффақ бўлишди.

Тешқадимлар сафида бораятган МХСК ва «Нурафшон» беллашувида ҳам тарозий палласи гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб турди. Аввалида Вали Кел-диев ҳисобни очиб, бухороликлар олдига олиб чиққан бўлса, Нўъмон Хасанов ҳисобни тен-глаштирди. Шундан сўнг устун-лик мезбонлар томонига ўтиб, улар иккинчи тузни қиратиш-ди. Лекин Вали Келдиев жарима тупини мохирона тегиб, яна мувозанатни тиклади. Кейинги баҳс давомида омад учинчи тузни қиритган армиячиларга кулиб боқди.

Турнир жалвалида ёнма-ён бораятган «Пактор» ва «Дустлик» учрашуви ҳам асосан тенг қураш-лар остида ўтди. Тренторозлар ўз майдонда туш сурганликла-рига қарамай, Тошкент вилоти

вакиллари уйинни бой бериш-ди — 0:1.

Мавсумни дуруст бошлаган «Сўғдиёна»да илгариги шант сезилмаяпти. Бу сафар «Косонсойини» қабул қилган жиҳазликлар дуран билан ки-фояланишга мажбур бўлишди — 1:1. Яқка пешкамад бўлиб турган «Навбахор» эса сафарда Самарқанд динамочиларини ениб (3:2), иккинчи уринини эгаллаб турган «Нефчи» билан ўртадаги фарқи яна икки очко-га кўпайтирди. Наманганликлар жамғармасидаги очколар 41 тага етган бўлса, фарғоналиклар ҳисо-бида 33 очко бор. Бу сезилари фарқдир.

Яна бир ойдан кейин бошла-надиган иккинчи давра мусо-бақалари давомида фарғоналиклар ёки бошқа бир жамоа уни қисқартириб, «Навбахор»га ета олармикин?

Шермухаммад йўлдош.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
 Рўзнома таҳрир хайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирза-жон ИСЛОМОВ, Махмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обид-жон ГОФУРОВ (масъул котиб), Рав